



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

БОШЛАНҒИЧ АШЁ СИФАТИДА ТАҢЛАБ ОЛИНГАН ҚАНД ЛАВЛАГИ НАВ НАМУНАЛАРИНИГ ИЛДИЗМЕВАЛАРИДАГИ ЎРТАЧА ҚАНД МИҚДОРИ КЎРСАТКИЧИ ТАҲЛИЛЛАРИ

Кўлибоев В.Қ

таянч докторант

Муталова М.К

(PhD)

ЎзРФА генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти 1,2

Email-vohid.kuliboyev@gmail.com

Аннотация: *Мақолада техник экин бўлган қанд лавлагининг бошланғич ашёси бўлган нав намуналарининг илдизмеваларидаги ўртача қанд миқдори кўрсаткичи таҳлиллари келтирилган*

Калит сўзлар: *қанд лавлаги, илдизмева, қанд миқдори, ўсимлик, нав, сахароза, тупроқ.*

Қанд лавлаги техник экинидир, унинг асосий қиймати илдизмева таркибидаги сахарозанинг юқори миқдоридир. Шакар — бу албатта инсон учун ўта муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Шакар, худди буғдой каби, стратегик аҳамияга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатидан ўрин олган. Дунё статистикасига кўра, бугунги кунда шакарнинг 88% шакар-камишдан, 12% қанд лавлагидан олинди.[1]

Қанд лавлаги илдизмеваларининг пишиб етилган даврида қанд лавлаги ўртача 75% сув ва 25% куруқ моддаларни ўз ичига олади, шундан 17,5% сахароза миқдорига туғри келиб, 7,5% эримайдиган ва эрийдиган шакар бўлмаган моддалрдан иборат бўлиб, эримайдиган шакар бўлмаганлар яъни (1,2%) клечатка, (1,1%) целлюлоза, (2,4%) пектин моддалар, оксиллар ва кул миқдори (тахминан 0,3%) иборат. Эрийдиган шакар бўлмаган моддаларга (2,5%) фруктоза, глюкоза ва бошқа азотсиз моддалар (0,8%), азотли моддалар (1,1%) ва кул миқдорига туғри келади.

Куруқ моддаларнинг асосий қисмини сахароза ташкил қилади. Қанд лавлаги мевасининг деярли ярми пектин моддалари ташкил этади. Пектин моддаларининг учта гуруҳи мавжуд: протопектин, пектин ва пектин кислотаси.

Шундай қилиб, илдизмеваларнинг кимёвий таркиби навига, тупроқ-иклим ва об-ҳаво шароитларига, қишлоқ хўжалиги технологиясини қўлланиш



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"


даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ. Илдизмевали экинларнинг кимёвий таркибининг ташқи омиллар таъсирида ўзгариши қонуниятларини билиш ушбу экинни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш учун зарур бўлиб, бу юқори сифатли хом ашё олиш имконини беради.[2]

Қанд лавлаги ёки шакар қамиш хом-ашёсини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб келиб ундан шакар ишлаб чиқариш мумкин, лекин бунинг учун арзон транспорт воситаси керак, масалан – денгиз транспорти. Хом-ашё ҳажми олинадиган шакар ҳажмидан 6-7 баравар кўп бўлади. Иккинчидан қанд лавлаги ҳам шакар қамиш ҳам ўсимлик хом-ашёси бўлиб, улар маълум ҳароратда сақланиши керак ва уларнинг муддати ҳам чекланган. Шундай экан ўзимизнинг маҳаллий хом-ашё базасини яратишимиз лозим.

Мамлакатимизда шакар ва қанд маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий хом-ашёси бу қанд лавлаги бўлиб ҳисобланиб, илдизмеваларнинг қандлилик даражаси асосий саноатбоп кўрсаткичлардан биридир.[3]

Тажрибаларимиз давомида тадқиқот ишларининг бошланғич ашё ҳисобланмиш, илдизмеваларнинг қандлилик даражаси ўрганилди.

Илдизмевалардаги қанд миқдорини аниқлаш учун илдизмеваларнинг учки, ўрта ва бош қисмидан таҳлил учун намуналар олинди (1-расмга қаранг)



1-расм

Лавлаги бош қисмидан то энг йўғон қисмигача шакар миқдори энг максимал даражада аста секин ортиб бориб, уч томонга борган сари эса аста секин камаяди. Горизонтал йўналишда илдиз марказидан ўрта қатламлар йўналиши бўйлаб шакар миқдори ортиб, кейин илдиз қобиғига етганда яна камая бориши кузатилди.

Илдиз мевасида энг кўп қанд тўплаган навлар маҳаллий навларимиздан, яъни Местная и Диёр навида бу кўрсаткич 19.5-19.6 % ни ташкил этган бўлса, Новелла навининг қандлилик даражаси 19.0 % ни ташкил етди. (3.7.12-расм)



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Қанд лавлаги нав намуналариниң илдизмеваларидаги ўртача қанд миқдори

1-жадвал.

Навлар	Илдизмеванинг учки қисм			Илдизмеванинг ўрта қисм			Илдизмеванинг бош қисм			Илдизмевалардаги ўртача қанд миқдори %
	$X \pm S_x$	δ	C_v	$X \pm S_x$	δ	C_v	$X \pm S_x$	δ	C_v	
Местная	19,4±0,1	1,3	6,79	19,5±0,1	1,1	5,21	19,7±0,2	0,7	3,6	19,5
Новелла	18,6±0,08	1,6	8,6	18,9±0,2	2,6	13,3	19,7±0,4	0,5	2,7	19,0
Диёр	19,3±0,1	1,2	6,5	19,6±0,1	0,86	4,4	20,0 ±0,2	1,3	6,5	19,6
Нимерчанская-030	18,0±0,2	1,7	9,8	18,7±0,2	1	5,79	19,0±0,1	1,4	7,4	18,5
Лара	17,3±0,1	0,8	5	18,5±0,07	0,4	2,52	19,8±0,09	0,6	3,1	18,5
Опух	17,6±0,1	0,7	4,2	18,0±0,08	0,5	2,8	20,0±0,07	0,4	2,3	18,6
Red Claid	17,47±0,08	0,5	3	18,4±0,04	0,2	1,4	19,1±0,1	0,7	3,7	18,3
Дружба	16,0±0,1	0,6	3,9	17,88±0,05	0,3	1,7	19,1±0,1	0,7	3,8	17,6
Виктория	16,1±0,1	0,6	3,6	17,9±0,1	0,9	5,4	19,6±0,09	0,5	2,94	17,8

Опух навида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 18.6%, Нимерчанская-030 ва Лара навларида -18.5%, Red Claid навида 18.3 % ни, Дружба 17.6 % ва Виктория навида -17.8 % илдизмевалардаги қанд миқдори аниқланди. (1-жадвал)

Илдизмевалардаги қандлилик даражаси бўйича Местная ва Диёр навлари энг юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Румянцева Е.Е. Формирование рынка сахара СНГ // Сахар, свекла. – 2001. -№9.-С. 6-4.
2. Мирзаева М.А., Акромов Ш.Ш. Биология сортов сахарной свеклы, вредителей, болезней и способы борьбы с ними // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2020. 11(80).
3. Федина М.А. Қишлоқ хўжалиги экинлариниң давлат нав синови методологияси / - Москва., 1985. - Б. 8-13.